



ТУГЛУК-ТЕМУРХОН БИЛАН УЧРАШГАНИМДАН СЎНГ КЎНГЛИМГА КЕЛГАН БИРИНЧИ КЕНГАШ

Туглук-Темурхон, [саркардалари] Бекчик, Хожибек эркинит, Улуг Туктемур керайит ва Жетенинг бошка амирларидан уч фавж тузиб, уларни Мовароуннахр мамлакатини талон-торож килиш учун юборганлиги, ўша уч фавж кўшин Хузор деган жойга келиб тушганлиги хабари менинг кулогимга етди. Шунда Туглук-Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан алдаб, Мовароуннахр вилоятини катлу горатдан куткариб қолишга қарор қилдим. Тилга олинган амирларни кўрганимда уларни хайбатим босди шекилли, кўп ҳурмат кўрсатиб, мени ортикча сийладилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совга-соврунб йўсинида уларга берилган ҳар турлик тансик моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннахрни босиб олиш ва талон-торож килиш ниятидан қайтдилар. [Шундан сўнг] тўғри бориб Туглук-Темурхон билан кўришдим. Хон келишимни яхшиликка йўйиб, [салтанат ишларида] мендан кенгаш сўради. Кўрсатган кенгашларимни тўғри деб топиб, ҳаммасини қабул қилди.

Шу аснода Туглук-Темурхонга хабар келтирдиларким, [юкори-лйтилган] уч фавж амирлари, ерлик халқдан нақд пул ва соврунлар олиб, улар билан келишмишлар. Хон шу ондаёқ мол-мулк ва иақд пулларни қайтариб олиш учун одам тайин қилди ва амирларни бундан буён Мовароуннахрга боришларини манъ этди. Мансабларидан бўшатди. Ўринларига Хожи Махмудшоҳ Ясовурийни тайин қилди.

Бу ҳақда амирлар хабар топгач, душманлик байроғини кўтариб юртларига қайтиб кетдилар.

Йўлда хоннинг девонбегиси ва бош маслахатчиси бўлмиш Ўғлонхўжани учратдилар. Уни ҳам ўзларига оғдириб олиб, Жете Томон юзландилар.

Айнан шу вақтда Туглук-Темурхоннинг Дашти Кипчокдаги амирлари ҳам исён тугини кўтаргани хақида хабар олинди. Бундан хон ташвишга тушди. У мендан маслахат сўради ва Жете тарафга йўл олди. Мовароуннахрни эса менга қолдирди ва бу ҳусусда ёрлигу ахднома ёзиб берди. Амир Корочор нўённинг Мовароуннахрдаги туманини ҳам менга топширди. Мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача ерларга ҳукмрон бўлдим. Давлат ва салтанатимнинг бошланишида энг аввал қилган кенгашим шул эди. Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлик аскар қила олмаган

ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан.

ДАВЛАТ КУРИШ ОЛДИДАН КИЛГАН ИККИНЧИ КЕНГАШИМ

У шундан иборат бўлдики, Туглук-Темурхон мен билан тузган ахду карорини бузиб, иккинчи бор Мовароуннахр мамлакатига кўшин тортиб келди ва ҳукуматни мендан тортиб олиб, ўгли Илёсхожага топширди. Мени эса унга бош кўмондон (сипохсолор) ва маслахатчи қилиб тайинлади. Менга Кочувли-баходир ва Кобулхон томонидан битилган ахдномани кўрсатди. Мен улуг боболаримизнинг сўз ва номаларини қабул қилиб, сипохсолорлик қилишга рози бўлдим.

Хижрий 762 (милодий 1360—61) йили Туглук-Темурхон иккинчи марта Мовароуннахрга кўшин тортиб келиб, мени ўз ҳузурига чорлаб нома жўнатди. Мен [рози бўлиб], унинг истикболига чиқиб, у билан кўришдим. У орамиздаги ахдни бузиб, Мовароуннахрни ўгли Илёсхожага топширди, мени эса сипохсолор қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни кўриб, менинг бобом Кочувли-баходир ва ўзининг бобоси Кобулхон-ларнинг ахдномасини кўрсатди. Пўлат тахтага имзоланган ахдно-мада «хонлик Кобулхон авлодининг кўлида, сипохсолорлик эса Кочувли-баходирхон болаларида бўлсин, улар бир-бири билан ёвлашмасин», деган сўзлар битилган экан. Буни ўқиб кўргач, улуглар ахдига вафолик қилиш юзасидан сипохсолорликни қабул қилдим. Мовароуннахрда ўзбек'ларнинг жабру зулми ортиб кетди. Чунончи, саййид ва саййидзодалардан етмиш кишини асир олиб банд этдилар. Илёсхожа бўлса давлат ва сиёсат ишларида лаёқатсиз бўлгани туфайли уларнинг зулму ситамига барҳам беришга ожиз эди. Мен бўлсам ўз салобатим ва хайбатим билан ўзбеклар устидан галаба қилдим ва мазлумларни золимлар жабридан халос қилдим. Бу Илёсхожа амирлари ва ўзбекларнинг менга нисбатан душманлик қилишларига сабаб бўлди. Улар Туглук-Темурхонга хат ёзиб, «Темур бизга қарши исён тугини кўтарди», дедилар. Хон бу ёлгон гапларни чин билиб, мени ўлдириб, йўқотиш хақида ёрлиғ юборди. Бу ёрлиғ менинг кўлимга тушиб қолди. Ундан ўлимга ҳукм қилинганлигимни билиб олдим. Бунинг иложини қилиб, қуйидаги тадбирни ишлатдим. Барлос улусининг баходир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштирдим. Менга бўйсуниб кўмакдош бўлмоқлик учун розилик берган биринчи киши — Ики Темур бўлди, иккинчиси — амир Жоку барлос эди. Булардан бошқа улус баходирлари ҳам жону диллари билан менга бўйсунмоқчи [ва хизмат қилмоқчи] эканликларини билдирдилар.

Мовароуннахр аҳолиси менинг бу ишимдан хабар топиши биланок, тезда ўзбекларга ҳужум қилишим кераклиги хақида истак билдирдилар. Чунки уларнинг қалби золим ўзбеклар тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннахр аҳолисининг каттаю кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари эса ўзбекиёа тоифасини йўқ қилиш хақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшун бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб, бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзилган ахднома ва фатволарининг нусхаси бу эди: «Тўғри йўллик халифалар, Аллох таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва қилган ишларига мувофиқ Мовароуннахрдаги бутун ахли ислом, сипоҳу раият ёхуд уламою машойих бўлсин, Амир

Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур Кутби салтанати Олий деб атасинлар ва уни Аллохнинг [ердаги] кудрати-салтанат тахтига лойик кўрсинлар. Мусулмонларнинг ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам кўлини чўзган ўзбеклар тоифасини дафъ қилишда ва умуман йўқотишда Темурга [ёрдамлашиш учун] ўз мол ва жонларини [аямай], тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизга содик қолурмиз. Агар берган аҳд-паймонимиздан қайтсак, Аллохнинг кудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон кудрати ва ёрдами йўлига қирган бўлайлик».

Бу фатвони менга кўрсатганларидан кейин жангу жадал байрогини кўтариб, ўзбеклар устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар. [Шундан кейин] ўйланиб қолдим, мабодо Самарканд шаҳри ичида ўзбекларга қарши уруш бошласаму, бироқ Мовароуннахр аҳли [жанг қилишдан] қўл тортса-чи? [Унда нима бўлади?] Шундай бўлгач, яхшиси, шаҳардан чиқиб, Самарканд тоғларида жойлашай, токи менга қўшилишни истаганлар ҳузуримга қелсинлар. Шунда мен катта сипоҳ тўплаб, ўзбекларга қарши жангу жадални бошлагайман»,— деб қарор қилдим. Самарканддан чиққанимда олтиш отликдан бошқа бир киши ҳам менга эргашмади. Шундан билдимки, ўйлаган кенгашим хато бўлмаган экан.

Ўша тоғда бир ҳафтача кутиб ётдим, бир киши бўлса ҳам бизга келиб қўшилмади. Шунинг учун кенгаш тузиб Бадахшон тарафга ўтиб, у ернинг шохлари билан қўшилишга қарор қилдим. Отланиб, Амир Кулолнинг ҳузурларига бордим. Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ўзбеклар устидан ғалаба қозонсам, Самарканднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим. Улар менга зафар тилаб фотиҳа ўқиғач, кетишимга рухсат бердилар. Саййид Амир Кулолнинг хизматларидан чиққанимда, ҳаммаси бўлиб олтиш отлик менга ҳамроҳлик қиларди. Илёсхожа менинг Хоразмга юриш қилаётганимдан хабар топиб, Хива ҳокими Тўқал-баходирга хат ёзиб, менга қарши чиқишни ва мени ўлдиришни буюрган экан. Тўқал-баходир минг отлик аскар олиб, менинг устимга қелди. Олтиш отлик йигитим 1 йўлда менга қўшилган [қайногам] Амир Хусайн билан бирга минг отлик кишилик ганим лашкарига рўбарў бўлдим ва жанги қиришдим. Бу жангда шундайин баходирлик қилиб, чидамлик кўрсатдимки, унинг минг кишисидан эллик киши қолди, менинг олтиш отлик йигитимдан ўн кишигина қолди. Шундай бўлса-да зафар мен томонда бўлиб, [уларни қочирдим]. Менинг зафар қучганим хабари Илёсхожа ва Жете амирларига етгач, улар [хайрон қолишиб], «Темур ажаб эр киши экан, унга Тангрининг мадади етиб, бахту икболи очилмиш»,— деб ўзаро сўзлашибдилар Мен бу урушдаги зафарни яхшилик аломати деб билдим. Ўзбеклар мендан қўчийдиган бўлдилар.

ЎЗ САЛТАНАТИМНИ ТУЗИШ ЙЎЛИДА ҚИЛГАН УЧИНЧИ КЕНГАШИМ

Ўша вақтда давлатимнинг қучи кетиб, салтанатимнинг асоси емирила бошлади. Чунончи, менга эргашган йўлдошларим ўн кишидан ортиқ эмас эди. Улардан еттитаси отлик, уч киши эса пиёда эдилар. Улардан бошқа мен билан ҳеч қим қолмаганди. Мухтарама жуфти ҳалолим бўлмиш Амир Хусайннинг синглисини ўзимнинг отимга миндириб олган

эдим. Шу алфозда Хоразм чўлларида бир неча кун саргардон бўлиб юрдим. Кунларнинг бирида кеч тушгач, кандайдир кудук бошига келиб тушдим. Ўша кечаси пиёда юрган уч нафар хуросонлик бевафолик килиб, отларимизни миниб кочдилар. Етти киши тўрт от билан колдик. Ахволим жуда огирлашди. Лекин кўнгил тўк эди. Бу ишни чакки килган эканман деб, ҳеч ўкинмас эдим. Сўнгра бу кудук бошидан ҳам кўчдим. Шу вақт Алибек Чун Гурбоний ёпирилиб тепамга кедди. Мени [ўз элига] элтиб, бургаси кўп бир коронгу уйга камаб кўйди. Бир неча кишини менга сокчи этиб тайинлади. Олтмиш икки кун мени туткунликда ушлади. Ундан кутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим ва тангрининг инояти этиб баходирлигим тутди. Кучли ва чаккон билаларим иш бериб, сокчилардан бирининг кўлидан киличини тортиб олдим-да, уларга хамла килган эдим, бариси кочиб колди.

[Килич кўтарганимча], тўгри Алибекнинг устига бостириб кирдим. Мени кўргач, [хуши бошидан учди]. Килган номуносиб ишидан пушаймон бўлиб, мендан узр сўради. Отларимни, ярок-жабдукларимни хозирлатиб, менга бир орик от ва бир қари туя тортик килган бўлди. Огаси Мухаммадбек менга атаб юборган бир канча совга-саломларини эса очкўзлик килиб ўзига олиб колди. Сўнг кетишимга рухсат берди. Хоразм чўлига томон равона бўлдим. Ўн икки отлик атрофимга тўпланди. Икки кундан сўнг бир манзилга этиб, кандайдир уйга тушдик. Шу орада бир гуруҳ ўша ерлик туркманлар пайдо бўлиб, мени кўргач, «Ўгри, ўгри!» — дейишиб хужум килмокчи бўлдилар. Амир Хусайннинг синглисини бир уйга яшириб кўйиб, ўша жамоага қарши отландим. Туркманлар ичида Хожи Мухаммад деган одам мени таниб колди, «Хой, тўхтанглар, бу Амир Темур-ку!» — деб уларни урушдан қайтарди. Ўзи эса тизза уриб олдимга келди. Мен ҳам унинг кўнглини овлаб, бошига мандилимни кўйдим. Сўнгра бу киши ўз ога-инилари билан менга мулозим бўлишди.

САЛТАНАТИМНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРЛАРИДА КИЛГАН ТЎРТИНЧИ КЕНГАШИМ

Менга эргашганлар сони олтмиш отликка этиб колгандан сўнг ўзимча ўйладим, агар келган манзилда тураверсам-у, мабодо ерлик аҳоли менга қарши кўзгалиб, ўзбекларга хабар бериб қўйсалар-чи, унда нима бўлади? Яхшиси, бу ердан кетиб, эл оёғи етмаган ерга бориб жойлашсам, тез фурсатда атрофимга салтанатимнинг куч-кудрати бўла оладиган қўшин тўпланар. Шу фикрда у ердан кўчиб, Хуросон томонга юзландим. Йўл устида Мохон ҳокими Муборақшоҳ Санжарий юз отлик аскар билан келиб, менга қўшилди ва яхши отлар тортик килди. У ернинг жами саййидлари ва аҳолиси ҳам менга қўшилди. Ўша саҳрода отлик, яёв бўлиб икки юзга яқин киши ёнимга кирди. Шу пайт Муборақшоҳ, саййид Хасан ва саййид Зиёуддин менга арз килдиларким, бу саҳрода туравериш [қўшин] таркаб кетишига боис бўлур, бирон томонга юриб, бирон вилоятни эгаллашимиз керак. Мен ўзимча кенгашиб, сўнг уларга айтдимки: «хотирамга бир фикр келди. Самаркандга борайлик. Сизларни [вақтинча] Бухоро томонларга таркатиб турамен, ўзим эса Самарканд теварагига бориб, эл-улус ичига қирамен ва уларни ўзимизга қўшиб олишга [интиламен]. Етарли лашкар йигилиб [куч-қувват қўлга кирганидан сўнг], сизларни чакириб олурмен. Кейин Жете ва Илёсхожа қўшинига қарши

жангга отланурмиз ва Мовароуннахр мамлакатини кўлга киритурмен». Уларнинг хаммаси менинг бу кенгаш ва тадбиримни тўғри деб топдилар. Юришга фотиҳа беришгач, мен йўлга тушдим. Икки юз одамимни Бухоро атрофларига таркатдим. Амир Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон огани ҳам яширинча ўша ерда колдирдим ва ўзим Самарканд томон йўл олдим. Йўлда Тамука кавчин ўн беш отлиги билан менга кўшилди. Сиримни унга айтиб, Муборақшоҳ олдига юбордим. Ўзини яширинча улус оралаб, икки мингга яқин кишини иттифокдош килдим. Самарканд узра салтанат байрогини кўтаргудек бўлсам улар ёрдамга келадиган бўлдилар. Тунда пинхона Самаркандга кирдим ва тўнгич опам Кутлуг Туркон оганинг уйига бориб жойлашдим. Кечаю кундуз фикр огушида чора-тадбир изладим. Шу тарика кирк саккиз кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликларда биттаси менинг бу ерга келганимни пайкаб колди. Сирим очилишига оз колганда, ночор, кечаси ўзим билан келган эллик отлик билан Самарканддан чикиб, яна Хоразм томон йўл олдим. Мен билан бир тўп пиёда кишилар ҳам бор эди. Йўл давомида туркманларнинг бир пода йилкисидан бир нечтасини кўлга киритиб, пиёдаларимни уларга миндирдим. [Кўп вақт] йўл юриб Амударё бўйидаги Ачиги деган ўнқир-чўнқир ерга келиб тушдик. Шу ерга келганимда, Бухоро теварагида колдирган ҳарам аҳли, Муборақшоҳ, саййид Хасан ва бошқа жамоа ҳам етишиб келдилар. [Булардан бошқа] Темурхожа ўғлон, Баҳром жалойир ўзларига қарашли кўшин билан келиб, менга мулозим бўлдилар. [Шу тарика], мингга яқин отлик аскар атрофимга жамланди. Шу ерда кенгаш килиб, Бохтарзамин ва Кандаҳор томонга равона бўлишга ва у ерларни тасарруфимга олишга қарор килдим.

ХУРУЖ КУНЛАРИ КИЛГАН БЕШИНЧИ КЕНГАШИМ

Бохтарзамин ва Кандаҳор томон кетаётиб, Хирманд дарёсининг бўйига етганимда тўхтаб бир юрт ясаттирдим. Аскарларимни сийлаш учун бир неча кун ўша ерда турдим. Шу аснода Гармсир вилоятининг халқи ва сипоҳидан қарийб минг отлик турк ва тожик ҳам менга кўшилдилар. Шу тарика Гармсир вилояти ҳам менинг тасарруфимга ўтди. Шунда Сеистонга боскин қилишга қарор килдим. Бу хабар Сеистон волийсига етгач, элчи орқали совга-саломлар юбориб, мендан ёрдам сўрамишдиқим, душманларим менга зулм қилиб, кўлимдан етти қалъамни тортиб олдилар. Агар мендан душман кўлини қиска қилсалар, аскарларига олти ойлик озик-овқат етказар эдим, деган эди. Ўзимча кенгашиб кўриб, сўнг Сеистон томонга кўшин тортдим. Душманлар эгаллаб олган етти қалъадан бештасини қуч ва қаҳр билан кўлга киритдим. Буни кўриб, Сеистон волийсининг юрагига кўрқув тушди ва кечаги душманини энди ўзига дўст тутди. Агар Амир Темур бу ерларда туриб қолар экан, Сеистон қалъаси кўлимиздан кетиши аниқдир, дейишиб, сипоҳ ва раият барчаси бирлашиб, менинг устимга бостириб келдилар. Сеистон волийси ваъдасига вафо қилмаганлиги учун иложсиз, йўлларини тўсиб, жангу жадалга киришдим. Шу пайт бир ўқ келиб қилмаганимга қадалди, яна бир ўқ оёғимга тегиб қирлади. [Шундай бўлса ҳам] охири улар устидан қалаба қозондим. [Лекин] ўша мамлакатнинг об-ҳавоси менинг мизожимга тўғри келмагани сабабли, у ердан қўчиб, яна Гармсирга бордим. Ўша вилоятда қалаларим битгунча икки ойча туриб қолдим.

ХУРУЖ ВАКТИДА КИЛГАН ОЛТИНЧИ КЕНГАШИМ

У шундан иборатки, Гармсир тасарруфимга ўтгач ва яраларим ҳам тузалгач, Балх сархадидаги тоғларда туриб, ўша ерда етарли қўшин тўплаб, Мовароуннахр мамлакатини бўйсундириш учун юриш қилмокчи бўлдим. Кенгаш шунда тўхтагач, бу ердан отланиб чиқдим. Одамлар таркалиб кетиб қирк отлик кишигина қолган эканмиз. Лекин уларнинг бариси аслзода, амирзода ва насли пок йигитлар эди. Шундайин азаматлар бу оғир қунларда нимадандирки мен қаби олтинуну молсиз, озик-овқатсиз бир кишига ҳамроҳлик қилиб, менинг изнимга қириб [тоғ-тошларда эргашиб юрганлари] учун тангри таолога шукрлар айтдим. Ўзимча: «Аллох таолонинг мен билан қиларлик улуг ишлари бўлгайким, ўзим қаби йигитларни менга бўйсундирмишдир»,— деб ўйладим.

[Сўнг] Балх тоғларига қараб йўлга тушдим. Кетаётганимизда Йилдинин Қорачор нўён авлодидан бўлмиш Сиддик барлосга дуч келдим. Мени излаб саргардон бўлиб юрган экан, ўн беш отлиги билан менга қўшилди. Унинг келганини яхшиликка йўйдим. Ўша қунлари ов қўшлари билан қун кечирмокда эдик. Шу зайлда илгарилаб борарканмиз, йироқдан тепа устида бир тўп кишининг қораси қўринди. Олдинга юрганимиз сари соатма-соат уларнинг сони ҳам ортиб борди. Тўхтадим. «Булар қим бўлди экан?»— деб уларнинг олдида қоровуллар юбордим. Қоровуллар қориб, Амир (Темур)нинг қобиқ навқари Қозончи-бақодир экан ва Жете лашқаридан юз отлик билан ажқалиб қикиб, шундан қери амирни излаб, саргардон бўлиб юрган эмиш,— деб қабар олиб қелдилар. [Буни эшитиб] ерга бош қўйиб тангри таолога шукр қилдим Қарқол Қозончини қузуримга олиб қелиш учун одам юбордим У қелгач, тизза уриб оёқларимни ўпди. Мен ҳам унинг қўнглини олиб, ёғлигимни бошига қўйдим. Сўнг бу ердан юриб Қарайа Арсиф деқан жойга қелиб тушдим. Эртасига отланиб, қарани айлана бошладим. Унинг ўртасида бақоят қушқая бир тепалиқ қор экан, мен ўша баландликка қикдим. Лашқарлар ул тепалиқни қуршаб жойлашдилар. Ўша қеча жума туни эди, тоғ отқунча [қудодан мадад сўраб] ухламай қикдим. Тоғ отгач, қомдод намазини ўтадим, сўнг қўлимни дуога очқан эдим, қўзларим ёшланди. Юрагим бўшаши. Тангри таолога ёлқориб, мени бу сарсонликдан қутқаришини тиладим. Дуо тамом бўлганича ҳам йўқ эдики, узокдан бир тўп одам қўринди. Улар тепалиқни ёнлаб ўтиб қетмокда эдилар. Отланиб, уларнинг қимлигини қилиш мақсадида ортларидан қордим. [Қарасам] қаммаси бўлиб етмиш отлик эканлар. Улардан сўрадим:

— Бақодирлар, қим бўласизлар? Улар дедилар:

— Амир Темурнинг навқарларимиз. Уни излаб тополмай, қезиб юрибмиз.

Мен дедим: «Мен ҳам амирнинг навқарларидан қиридурмен. Юрингиз, сизларни унинг олдида бошлаб қарайин».

Улардан қери отини қоптирди ва қориб гақимни ўз сардорларига етқаздики, «қиз Амир Темурнинг қузурига олиб қарадиқан йўл-бошловқини тоқдик», деб.

Улар отларининг қиловини қуриб, мени қарқол қузурларига қелтиришни буюрдилар.

Улар уч фавж эканлар. Қиринчи фавжнинг сардори — Тугликқожа барлос, иққинқисиники — амир Сайфуддин, учинқисиники — Тубақ-бақодир экан. Қўзлари менга тушгани қамонқ, ўзларидан қетаёзиб, отдан тушдилар. Тизза уриб, узангимни ўпишди.

Мен ҳам отдан тушиб, ҳар бири билан кучоклашиб кўришдим. Мандилимни Туглукхожанинг бошига кўйдим. Жуда нозик ишланган, олтин билан зийнатланган камаримни эса амир Сайфуддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тубак-баходирга кийдирдим. Уларнинг кўнгли юмшаб бағоят таъсирландилар. Мен ҳам каттик таъсирландим. Намоз вақти етишгач, жамоат билан намозни адо этдик. Сўнгра отланиб қароргоҳга бориб тушдик, мажлис қуриб, тўй бердик. Эртаси куни Шер Баҳром ҳам келди. У илғари ёшлик қилиб, мендан ажраб, Хиндистон заминини ҳавас қилиб кетган эди. Қилган ишларидан пушаймон бўлиб, мендан кечирим сўради. Мен уни қучогимга олдим ва узрини қабул қилдим. Шу қадар унга меҳрибонлик қўрсатдимки, у хижолатдан бутунлай қориг бўлди.

давоми бор...